23

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
САМАРҚАНД ТУМАН
ҲОКИМИ

ХОКИМ
САМАРКАНДСКОГО РАЙОНА
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# ҚАРОР-ПОСТАНОВЛЕНИЕ

. январь 199 2 й. № 50-к

Фукаролар Рахимов Иброхим ва Бобоев Фарухга 23-февраль махалласи марказидаги мавжуд эски автобус бекатини кайта таъмирлаб савдо ва гушт дукони куришга рухсат бериш тугрисида.

Самарканд туман "Самарканд" жамоа хужалиги 23-февраль махалласида яшовчи фукаролар Рахимов Иброхим ва Бобоев Фарухнинг туман хокимиятида кайд килинган аризаси, Охалик кишлок фукаролар йигинининг алока хати, 23-февраль махалла кумитасининг талабномасига асосан, хамда туман ахолисига кулайликлар яратиш максадида.

КАРОР КИЛАМАН:

1.Самарканд туман "Самарканд" жамоа хужалиги худудида яшовчи фукаролар Рахимов Иброхим ва Бобоев Фарухга хокимият ер хайъатининг тузган далолатномасига мувофик 23-февраль махалласи марказидаги автобус бекатини кайта таъмирлаб, 2,5мХ6м=15м.кв.-га автобус бекатини куриш, хамда чап ва унг томонидан 2,5мХ3м.кв.-дан савдо ва гушт дуконлари куриши учун ер майдони ажратилсин ва куришга рухсат берилсин.

2.Фукаролар Рахимов Иброхим ва Бобоев Фарухга автобус бекати ва шахсий савдо дуконларни куришдан олдин катий равишда лойиха ва хужжатлар тайёрланиб,Давлат курилиш экспертизаси,Давлат Меъморчилик Курилиш комиссиясининг руйихатидан утказилгандан сунг, лойиха хужжатларини туман бош меъмори билан келишилган холда курилиш ишларини бошлаш, хамда савдо килишда туман солик инспекциясида хужжатларини расмийлаштириб савдодан тушган накд пулни туман банкида хисоб ракамига топшириш юклатилсин.

3.Ушбу карор ижросини назорат килиш туман хокими муовини Ш.Давроновга топширилсин.

Туман хокими : Р.ХАКИМОВА

1991 й.—721—10000